

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ**

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЎРА СУЛАЙМОН МАЪНАВИЙ
МЕРОСИНИНГ ТАЪСИРИ”**

мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

2024 йил 23-май

Гулистон-2024

ТЎРА СУЛАЙМОННИНГ ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЧИЛИК МАҲОРАТИ

*Элбек Оқбўтаев,
ГулДУ таянч докторанти*

Тўра Сулаймон ҳажвиётни ҳақида сўз юритишдан олдин кулги, унинг моҳияти, бадний асардаги ўрни ва ролига алоҳида тўхталишимиз лозим. Кулги турли жанрдаги асарларда учраши мумкин бўлган ҳодиса, ҳолат. Бирор воқеа таркибида ёки бирор образ тасвирида кулги, кулгили ҳолатлар бўлиши мумкин. Кулги ўз ўрнида маҳорат билан, меъёрли қўлланилса, ҳар қандай асарга ҳаётгиллик, ўқувчига кизиқувчанлик, енгил кайфият бағишлайди. Бундай асарларга китобхон эҳтиёжи ҳам катта бўлади.

Ўзбек адабиётида ҳажвиётнинг вужудга келиши ҳақида фикр юритилганда бу ижтимоий ҳодиса, аввало, вақтли матбуот ҳамда ҳажвчилик шаклланимаган даврларда оғзаки тарзда пайдо бўлганлигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Ўзбек ҳажвий адабиётининг шаклланиши узок тарихга эга. “Ҳажв, сатира – воқеликни акс эттиришнинг алоҳида гоёвий-бадний мезони сифатида, – деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос олим Д.Қуронов, – барча ривожланган халқлар адабиёти, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин эгаллаб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира даставвал ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган эди” [Қуронов Д.210]

Бадний адабиёт ривожланишига назар ташласак, ундаги адабий мерос ва ворисийлик, анъана ва янгилик, шакл ва мазмун бирлиги, бадият, асар тили, образлар тизими, жанрлар тараққиёти каби катор омиллар барча даврларда муҳим ўрин тутганини кузатиш мумкин. Бугунги адабиёт ўтмиш адабий мероси заминида ривожланади, ундан озикланади. Адабий мерос деганда ўтмишда яратилган, умуммиллий ва умумбашарий қимматга эга бўлганидан вақт ҳукмини енгиб келаётган адабий-бадний қадриятларнинг жами тушунилади.

Бугунги адабиёт – ўтмиш адабиётидан қолган мероснинг вориси. Адабий мерос асосида адабий анъаналар шаклланади. Адабий анъана – замонамиз, замонавий адабиётимиз учун қимматга эга бўлганидан бугунда барҳаёт меросдир. Адабиёт тараққиётининг узликсиз жараёнида ҳар бир давр олдинги даврлардан энг яхши жиҳатларни ўзига сингдиради, уларни сайқаллайди, маромига етказди, айни пайтда, ўзидан ҳам унга янгилик

қўшишга интилади. Шу тариқа, адабиётнинг узлуксиз тараккиёти таъминланади.

Бу ҳолат ўзбек ҳажвчилигига ҳам тегиншлидир. Ҳажвчиликдаги етук шакллар, турли жанрлар янги бадиий-эстетик қарашлар замирида қайта ишланиб, новаторона қўлланилиши натижасида бутунги кунда ўзига хос бадиий-эстетик вазифани бажармоқда, ҳажвиялар турли ижтимоий масалаларни ёритишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, Тўра Сулаймоннинг эпик ва лиро-эпик ҳажвий асарлари фикримизнинг исботи бўла олади. Ҳажвий асарлардаги яратилган образларнинг индивидуаллиги ёзувчи маҳоратини яққолроқ намоён этади.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳажвий образларнинг ўзига хос намуналарини кузатиш мумкин. Зеро, ҳажвий образлар яратиш анъанаси халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Халқ эртак ва ҳикоятлари, ривоят ва афсоналардаги турли ҳажвий образлар адиб асарларида янгиланган шаклда намоён бўлади.

Тўра Сулаймон ўз ҳикояларида ҳам сатирик, ҳам юмористик образларни ярата билган. Ҳажвий образ яратишда халқчилик тамойилига амал қилади. Унинг кўпчиликл қаҳрамонлари сатирик услубдан фойдаланилиб яратилган. Сатирик ҳикояларнинг асосий вазифаси эса, турли иллатларга эга инсонларни айбонсиз қош этишдир. Ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг қандай кишилар эканлиги уларга муаллиф томонидан берилган таърифлар ва персонажлар нутқи орқали англашилдиб борилади.

Бадиий адабиётнинг ўзига хос энг ўткир, ҳозиржавоб ва таъсирчан тури бўлган сатирик асарлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ҳар доим муҳим ўрин эгаллаб келган. Ҳозирги кунда сатира янада ривожланиб ва кенгайиб масал, эпиграмма, бурлеска, памфлет, фелетон, комедия, кино ва кўрсатувларларда, карикатура шаклида намоён бўлмоқда. Шу ўринда, Абдулла Қаҳҳорнинг сатирани инкор этувчи шахслар ҳақидаги қуйидаги фикрини таъкидлашнинг жоиз деб билдик: “Сатира ўтига учраган киши, – виждони бўлса, одамларнинг юзига қаролмайди, виждони бўлмаса, оғзидан кўпик сочиб, ёзувчининг кетидан болта кўтариб югуради”. [Қаҳҳор А.1]

Тўра Сулаймон ҳажвий ҳикояларида юмордан кўра сатирага кўпроқ мурожаат қилади. Ижодкорнинг “Алҳазар” номи остида 1976-йилда чоп этилган сатирик шеърлар ва ҳажвиялар тўплами мисолида фикримизни асослаймиз.

Инсонлардаги тузатса бўладиган камчиликларини енгил кулгу орқали намоён қилиниши юморга хос бўлса, сатира эса кескинроқ чора кўради, аямай қулади иллатли кишилар устидан. Ижодкорнинг шу тўпламдан

Ўрни олган “Палакмон” хикояси бошдан-оёқ қаҳрамон нутқи асосига қурилган. Қаҳрамон ўқувчига арзи-ҳол тарзида ўзининг бошдан ўтган воқеаларни баён этади. Бошлиғига яхши кўриниш учун бошқа бир ҳамкасбига тухмат қилишгача борганини ҳеч огринмай, пушаймон емасдан айтиб ўтади. Ҳикоя сўнгида қаҳрамон қилган ишдан пушаймон бўлгандай кўринади: “Бейб бир кишига палакмон бўлиб тоши бўлиб отилдим ҳам. Отилишга отилдим-у, тилмаган салқон ҳам бошга тегар, ҳам кетга тегар, деган савдо бошимга тегди.”[Тўра Сулаймон.16] Кўриниб турибдики, фақат ўз манфаатини ўйловчи бундай кимсалар учун ҳақиқий пушаймон бегона, пушаймон бўлса ҳам ўз манфаатига зид бўлган ҳолат учун қайғурмоқда ҳолос.

Ҳикоя давомида ижодкор сатирик қаҳрамоннинг босқичма босқич қиёфасини очиб беради. Ўқувчи воқеалар ривожигаги комик эпизодлардан мириқиб қулиши баробарида, даганбардор, муте, ўз фикрига эга бўлмаган, бошлиғи учун ҳар нарсага тайёр қаҳрамонга ҳам ачиниш ҳам нафрат билан муносабатда бўлади.

Тўпламдаги навбатдаги хикоя “Бола туғдим боши йўқ” деб номланади. Танланган номни ўзи ҳам ўқувчини диққатини тортади. Ҳикоя давомида англашиладикки, боши йўқ бола деб тухумни назарда тутитти ижодкор. Халқ оғзаки ижодига мурожаат Тўра Сулаймон ижодида етакчилик қилиши ҳеч кимга сир эмас, бу парча ҳам, айнан халқ оғзаки ижодига ҳамоханг тарзда келтирилган. Ўзувчи сатирик хикоядаги ўзувчи бўлиш истагидаги истеъдодсиз кишига ҳажвий асарларда учрайдиган, қаҳрамон ташки кўриниши ва маънавий қиёфасини тасвирлайдиган “шартли” ном қўяди: “Турки Тароватий аждарҳо эмас ўзувчи бўлгиси келиб қолди. Ҳавас қилса арзигулик ниёт. Тўғрида ўзувчи бўлиш қандай яхши нарса. Номингни эл-юрт билади.”[Тўра Сулаймон.18]

Албатта, ўзувчи бўлишни ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, лекин ўзувчилиқни фақат обрў учунгина, шахсий манфаат учунгина истайдиган кишига ижодкор сатирик бўёқ билан Турки Тароватий деб ном қўяди. Биламизки, инсоннинг юзини ҳар қил аташ мумкин: ижобий субъектив муносабат ораз, юз, чехра, салбий муносабатда эса афт, турк, башара қаби. Кўриниб турибдики бундай қўштирноқ ичидаги ижодкорларга адиб аёвсиз муносабатда, уларни фош қилишни истайди. Биринчи хикояда асосан қаҳрамон нутқидан фойдаланилган бўлса кейинги хикояда муаллиф нутқи етакчилик қилади. Ушбу хикояда муаллиф нутқи алоҳида аҳамиятга эга. У бекордан бекорга қаҳрамонлар, воқеаларга аралашавермайди, ўрни билан вазиятни ойдинлаштиради. “Бизда

кўп кишилар автор айтмоқчи бўлган гапни қахрамонлар гапирса кизикроқ бўларди, деб ўйлашади. Бу хато. Автор айтиши лозим бўлган гапни қахрамонлардан бирортасига топшириш ярамайди. Шундай қилинган тақдирда қахрамонлар туссиз бўлиб қолади, авторнинг жарчисига айланади. Қахрамонлар айтиши керак гапларни эса, автор ўз устига олиб, учинчи шахс тилидан гапирмаслиги керак”.[Макаренко.49]

Анвар Обиджоннинг кўпгина хикоялари хикоячи қахрамон тилидан баён қилинади. Бу турдаги хикояларда кулги уйғотиш, ёзувчи ғоясини аниқ намоён қилиш қахрамоннинг гап-сўзлари, яъни қахрамоннинг атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга субъектив муносабатидан ўсиб чиқади.

Муаллиф тилидан ёзилган хикояларда эса адибнинг имкониятлари бироз кўпаяди. Бу хикояларда муаллиф ҳар бир қахрамонга алоҳида таъриф бериб, ҳажвий йўсинда, баъзан истехзо билан воқеалар ривожини кенгроқ нигоҳ билан тасвирлайди. “Маълумки, бадий ижодда қахрамон образини яратишда шахснинг бирор рухий ҳолати, эмотсионал дунёси, шахсий энергияси ва потенциал имконияти бадий гавдалантирилади. Бу борада ички нутқ, диалог ва эпик хикоялашнинг роли фавқулодда муҳим. Ички нутқда, асосан, кишининг бировга ошкор қилиш мумкин бўлмаган ҳис-туйғулари, кечинмалари ифодаланса, диалогда бахслар, ўзаро фикр алмашувлар, суҳбатлар ва дунёқарашлар “жангги” асосий ҳисобланади. Муайян мураккаб вазиятларда эса қахрамонлар ўзларининг қалбини, шахсий интилишларини ички нутқда очиб беради. Эпик хикоялашда эса қахрамон ўзи айтолмаган, ифода қилишга қийналган ҳолатларни ёзувчи (автор нутқи орқали) бутун мураккаблиги билан ўқувчига намоён этади”[Худойбердиев.119]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Тўра Сулаймоннинг насрий асарлари, хусусан, ҳажвий йўналишдаги хикоялари ва қиссалари ўзига хос изланишлар маҳсули бўлиб, улар орқали давр муаммолари, жамиятдаги мавжуд иллатларни бартараф қилишга даъват англашилади. Ижодкор халқ оғзаки ижоди анъаналаридан унумли фойдаланиб, асарда илгари сурилаётган муаммоларнинг ечимини кўрсатишга, асарларга халқчиллик руҳини сингдиришга эришган.

Тўра Сулаймоннинг ҳажвий хикоялари замон билан ҳамнафас тарзда яратилган бўлиб, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган айни ҳодисаларга муносабат сифатида юзага келган. Адибнинг ҳажвий йўналишдаги хикоя ва қиссалари қахрамонларини характерлашда ёзувчи сатирадан салбий характерли қимсаларни фош этишда фойдаланган бўлса, юмордан эса

инсонларга хос арзимас хатолар, кичик қусурларни шарҳлашда фойдаланган. Бунда муаллиф ва персонаж нутқларининг аҳамияти катта.

“Алхазар” ҳажвий тўпламидаги ўндан ортиқ ҳикояларида муаллиф қаҳрамонни атрофлича тавсифлаш билан бирга уларга рамзий исмлар бериш орқали илгари сурилаётган муаммога ургу беришга ҳаракат қилган. Кўп ҳолларда исмлар қаҳрамоннинг ижтимоий макъи, касби-кори, маънавий жиҳати ёки қусурларини тереяроқ англатишига хизмат қилган.

Хуллас, Тўра Сулаймон ҳажвчилик маҳорати муаллифнинг жаҳон ҳажвчилиги мактаблари намуналари билан атрофлича танишлиги, улар таъсирида ўзига хос, оригинал ҳажвиялар пайдо бўлганлиги ва китобхонлар қалбини забт эта билганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. -Т.: Халқ мероси, 2004
2. <https://n.ziyouz.com/портал-хақида/ҳарита/ҳикматлар/абдулла-қохқор-адабиёт-ва-ҳаёт-хақида>
3. Тўра Сулаймон. Алхазар Сатирик шеърлар, ҳажвиялар. -Т.: 1976
4. Макаренко А. Бадий ижод ҳақида. -Т.: 1960.
5. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Т.: ЎАЖБНТ маркази. -2003.

To'ra Sulaymon hikoyasida evfemizm va disfemizmlarni qo'llash mahorati ("Chimildiqqa kirgan chol" hikoyasi misolida). A.O'razov	159
She'riy gaplarda ritorik so'roq gaplarning o'imi (To'ra Sulaymon va Xurshid Davron she'riyati misolida). M.Qurbonova	163
Baxshiyona uslub va leksik qatlam. A.Muratkulov	166
To'ra Sulaymonning "Muqaddas qo'shiq" she'ri asosida maktabda ot so'z turkumi mavzusini o'qitishda kognitiv-pragmatik topshiriqlar. Y.Xamraev	169

5-shu'ba: Tura Sulaymon ijodida milliy va umuminsoniy qadriyatlar

To'ra Sulaymonning tadrij (musalsal) she'r usulidan foydalanish mahorati, M.Pardayev, Sh.Xazratqulova	173
Tura Sulaymonning xajviy hikoyachilik mahorati. Э.Окбутаев	177
To'ralarga tutashgan chinorlar. С.Намозов	181
Men билган Tura Sulaymon. С.Усманов	185
To'ra Sulaymon ijodida millat taqdiri, o'zlikni anglash tuyg'usining aks etishi, M.Sariboeva, M.Toirova	190
Mirtemir duosi бўлиб ижобат. Т.Рахмонов	195
Ўлмаё соз тутган шоир. Н.Қосимова	196
Этироф. А.Бойкўзиев	198
Men билган халқ шоири. Д.Жаббаров	199
To'ra sulaymon to'rtliklari poetikasi F. Turg'unova	202
To'ra sulaymon she'rlarida milliy qadriyatlar O.Abdugaffarova	207
Yangi o'zbekistonda iii renessans taraqqiyoti Abdasattar Abdugaffarov	210
Она юрт куйчиси (Хулоса ўрнида)	202
To'ra Sulaymon haqida siz bilmagan 10 ta eng muhim ma'lumot.	204
Tura Sulaymon ҳаёти ва ижоди ҳақидаги муҳим саналар.....	205
Шоир асарлари ҳақида	208